Данғара ахборот кутубхона марказида “INFOLIB UZBEKISTAN – 2022” XI Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг тантанали очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Данғара ахборот кутубхона марказида “INFOLIB UZBEKISTAN – 2022” XI Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг тантанали очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.
Шу муносабат билан мазкур маърифат масканига тумандаги идоралар, ижодий ташкилотларнинг вакиллари, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар таклиф этилди. Тадбирда сўз олганлар китобхонлик ва китоб мутолаасини тарғиб қилиш, ёшларни интеллектуал билими ва савиясини оширишга қаратилган тадбирлар орқали уларни кутубхоналарга қизиқишини оширишдан иборат эканлиги хақида тўхталиб ўтди.
Ҳафталик доирасида китобхонлар учун бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар, семинарлар, давра суҳбатлари, танловлар, тренинглар, маҳорат дарслари ўтказиш ҳамда нашриётлар иштирокида китоб кўргазмалари, ярмаркаларини ташкил етиш, иштирокчиларни кенг жалб қилган ҳолда интеллектуал билимини оширувчи викториналар, таниқли фан ва маданият намояндалари, санъаткор ва ижодкорлар иштирокида ижодий учрашувлар ташкил етиш режалаштирилган.

INFOLIB
O'ZBEKISTON – 2022
XI MILLIY AXBOROT-KUTUBXONA HAFTALIGI
II YOSH
KUTUBXONACHILAR
FORUMI

INFOLIB
O'ZBEKISTON – 2022

2022-11-01 08:46:06